

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХМАТУЛЛАЕВА ШАХНОЗА БАҲАДИРОВНА

**БОЛАЛАРДА ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ГЕМАТОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Doctor of Sciences (DSc) dissertation abstract

Рахматуллаева Шахноза Бахадировна

Болаларда ОИВ-инфекциясининг гематологик

жиҳатлари..... 3

Рахматуллаева Шахноза Бахадировна

Гематологические аспекты ВИЧ-инфекции у детей..... 25

Rakhmatullaeva Shakhnoza Bakhadirovna

Hematological aspects of HIV infection in children 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХМАТУЛЛАЕВА ШАХНОЗА БАҲАДИРОВНА

**БОЛАЛАРДА ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ГЕМАТОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib229 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Даминов Турғунпулат Абидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Таджиев Ботир Мирхашимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ибадова Гулнара Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сулейманова Дилора Нагаловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қозон давлат тиббиёт университети (Қозон ш., Татаристон)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ОИВ-инфекцияси дунё аҳолиси ўртасида кенг тарқалган бўлиб, соғлиқни сақлаш тизими соҳасида долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. UNAIDS маълумотларига кўра, «..... дунёда 40 миллиондан ортиқ одам иммунитет танқислиги вируси билан касалланган, ҳар йили ОИВ инфекциясининг 2,5 миллионга яқин янги ҳолатлари ва ОИТС билан касалланган беморларнинг 2 миллионгача ўлими қайд этилади»¹. ХХI-асрнинг бошидан бери ОИВ инфекцияси билан касалланганлар сони сезиларли даражада ўзгарган. Шунингдек, 2001 йилда ташувчилар касалланганларнинг 87% 15-29 ёшда аниқланган бўлса, 2019 йилда 84% биринчи марта 30 ёшдан ошганлар орасида аниқланган. ОИТСга қарши кураш марказининг статистик маълумотларига кўра, касалланганларнинг 71% 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган иқтисодий фаол фуқаролардир. Бу муаммонинг долзарблигини, ОИВ-инфекциясининг клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш, унинг ташхисотини ҳамда даволаш тадбирларини такомиллаштириш лозимлигини белгилайди.

Жаҳонда ОИВ-инфекциясида гематологик ўзгаришларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ОИВ-инфекциясининг турли босқичларида ривожланадиган оппортунистик касалликларнинг клиник ва лаборатор ташхислаш усулларини қийслаш, ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда камқонлик ва тромбоцитлар, ҳамда коагуляцион гемостазнинг бузилишида антиретровирус терапиянинг аҳамияти, ОИВ юктирган болаларда гематологик касалликлар шаклланишининг асосий хавф омилларини аниқлаш, клиник, иммунологик ва вирусологик кўрсаткичларни ўрганиш, болаларда ОИВ инфекциясининг гематологик жиҳатларини диагностик ва терапевтик чора-тадбирларни самарадорлигини ошириш ҳамда беморларни ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни тарқалиши, ташхислаш, даволаш ва олдини олиш, асоратларини камайтиришни талаб қилади. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар

¹ Global AIDS monitoring 2017: indicators for monitoring the 2016 United Nations Political Declaration on HIV and AIDS. Geneva: UNAIDS. 2017 (http://www.unaids.org/sites/default/files/media_asset/2017-Global-AIDS-Monitoring_en.pdf).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

болаларда ОИВ инфекциясининг гематологик хусусиятларини ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3493-сон «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. ОИВ-инфекция гематологик ўзгаришлар билан кечишининг клиник, иммунологик ва вирусологик ўзига хос хусусиятларини асослаш, эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Johns Hopkins University (АҚШ), University of the Witwatersrand (ЖАР), Pediatric Institute (Малайзия), Mahidol University (Таиланд), The University of New South Wales (Австралия), Columbia University (АҚШ), University Teaching Hospital (Замбия), University of Zimbabwe College of Health Sciences (Зимбабве), University of KwaZulu-Natal (ЖАР), Stellenbosch University (ЖАР), Institute of Child Health (Буюк Британия), Radboud University Medical Center (Нидерландия), Our Lady's Children's Hospital Crumlin & University College Dublin (Ирландия), Florence University (Италия), Emilio Ribas Institute of Infectious Diseases (Бразилия), (University of Milan (Италия), University of Padua (Италия), Free University of Brussels (Бельгия), University of Barcelona (Испания), Федерал тиббий биологик агентлигининг «Болалар илмий-клиник юкумли касалликлари маркази» (Россия Федерацияси), Вирусология илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) ва Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда ОИВ- инфекциясининг тарқалганлиги, ташхисоти ва даволаш усуллари муаммосининг амалий ечимини ҳал этишга йўналтирилган қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ОИВ-инфекцияни юқтирган болаларда вирусологик кўрсаткичлар ўрганилган (Columbia University, АҚШ),

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://genome.duke.edu/>, <https://meded.hms.harvard.edu>, <https://www.ebi.ac.uk/gwas/home>, www.yale.edu, www.ucsd.edu, www.unito.it, www.uvm.edu, www.niaid.nih.gov, www.cams.cn, www.bc.edu, www.ucsf.edu; www.ubc.ca; www.hsc.unm.edu; www.unife.it; www.uog.edu.et; www.ucl.ac.uk; www.washington.edu; www.upb.edu.co, <https://riv.uz/>, <http://immunology.uz>, ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

University Teaching Hospital, Замбия), University of Zimbabwe College of Health Sciences (Зимбабве); ОИВ-инфекциянинг клиник кечиши ва оппортунистик касалликларни ривожланиши ўрганилган (Johns Hopkins University (АҚШ), University of the Witwatersrand (ЖАР); болалар ўртасида ОИВ-инфекциясининг тарқалиши ва клиник кечиши ўрганилган (Pediatric Institute (Малайзия), Mahidol University (Таиланд), The University of New South Wales (Австралия)); ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларни иммунологик ва вирусологик кўрсаткичларни ва оппортунистик касалликларни боғлиги асосланган (University of Padua, Италия), Free University of Brussels, Бельгия), (University of Barcelona, Испания), Федерал тиббий биологик агентлигининг «Болалар илмий-клиник юқумли касалликлари маркази», Россия Федерацияси); ОИВ юқтирган болаларда АРВ воситалари ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик асосланган (University of KwaZulu-Natal, ЖАР), (Stellenbosch University (ЖАР), Institute of Child Health (Буюк Британия), Radboud University Medical Center (Нидерландия); ОИВ-инфекцияси билан касалланган оналар ва улардан туғилган болаларнинг биокимиовий ва серологик кўрсаткичлари ўрганилган (Our Lady's Children's Hospital Crumlin & University College Dublin, Ирландия), Florence University, Италия); инъекцион гиёҳванд моддаларни истеъмол қиладиган шахслар орасида ОИВ-инфекциясининг тарқалиши ва уларда гематологик кўрсаткичлар таҳлил қилинган (Emilio Ribas Institute of Infectious Diseases, Бразилия), (University of Milan, Италия); ОИВ-инфекцияли беморларда оппортунистик инфекцияларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш тартиби оптималлаштирилган (Вирусология илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон); болаларда ОИВ-инфекциясининг гематологик жиҳатлари ўрганилган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда ОИВ-инфекциясини гематологик ўзгаришлар билан кечишининг клиник, иммунологик ва вирусологик хусусиятларини асослаш, эрта ташхислаш ва самарали даволаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда гематологик ўзгаришларнинг эрта ташхисоти ва даволаш усулларини самарадорлигини мувофиқлаштириш, ОИВ юқтирган болаларда гематологик касалликлар шаклланишининг асосий хавф омилларини аниқлаш, даволаш тактикасини танлашда қон зардобидаги темир, қондаги ферритин даражасини аниқлаш, ОИВ инфекциясининг гематологик жиҳатларини диагностик ва терапевтик чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёнинг турли минтақаларида ОИВ-инфекциясининг клиник кечиши ва натижалари кўп тадқиқотлар фарқланишини кўрсатди. Jons Хоркинс Bloomberg соғлиқни сақлаш мактаби ва Тиббиёт мактаби тадқиқотчилари томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларнинг 70-80% анемия, тромбоцитопения беморларнинг 40%гача, 50% дан ортиғида ОИВ билан боғлиқ иммунитет танқислиги ривожланган беморларда нейтропения ривожланиши кўрсатилган (Д.Бартлетт, Д.Галлант, 2010). Сўнгги йилларда

гемостаз тизими ва организмнинг иммунитетга чидамлилигининг туғма механизмларини ўрганиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган. ОИВ билан касалланган беморларда эритропоэтин ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилиши мумкинлигини кўрсатилган (Levine AM, et al., 2006; Tsiakalos A, Kordossis T, Ziakas PD, Kontos A, Kyriaki D, Sipsas NV., 2010). Зидовудиннинг узоқ муддат қабул қилиниши фонида, В 12 витаминининг ва фолий кислотасининг етишмовчилиги билан боғлиқ бўлмаган макроцитар камқонлик ривожланиши билан кечувчи эритропоэзнинг супрессияси рўй бералиши таҳлил қилинган (P. Lorenzi et al., 2008; Nyesigire Ruhinda E., Bajunirwe F, Kiwanuka J., 2012). ОИВ билан касалланган беморларда гипопролифератив анемиянинг сабаби кўп миқдорда истеъмол қилинадиган дори воситалар таҳлили кўрсатилган (Канестри В.Г., 2013; Collier AC, Kalish LA, Busch MP, et al., 2011).

Сўнгги йилларда ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда мегакариоцитларнинг тузилишида аномалиялари ўрганилган (Ellaurie M., Burns E. et al., 1990; Максимович Н.Е. ва бошқалар., 2010). Мегакариоцитар ўзакнинг сўниши ва бу билан биргаликда тромбоцитопения ривожланиши ҳақида тадқиқот натижалари тақдим этилган (Е.М. Шифман ва ҳаммуаллифлар, 2012; Свиридова С.П. ва ҳаммуаллифлар., 2018; Ananworanich J., Pharnuphak N., Nuesch R., Apateerapong W., et al., 2003; Swindells S., Zheng J. & Gendelman H. E., 2006). Охирги ўн йил ичида бир нечта ретроспектив тадқиқотлар ўтказилган, масалан, АРВТни қабул қилмаган ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда камқонликнинг тарқалгаилиги ва унга боғлиқ омиллар ўрганилган (Ferede G1, Wondimeneh Y., 2012).

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ОИВ юқтирган болаларда гематологик касалликлар шаклланишининг асосий хавф омилларини аниқлаш илмий таҳлил қилиш орқали касалликнинг асоратларини минимал даражагача камайтириш долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари, ОИВ-инфекциясини республикамиз аҳолисининг турли ёшдаги ва ижтимоий гуруҳларида учрашининг, қон ивиши ва қон ивишига қарши тизимларнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, таҳлилини ўтказиш ҳамда илмий асосланган комплекс чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ ПЗ-20170927263 шифрли «Гематологик патологияси бўлган ОИВ билан касалланган болаларни даволаш бўйича миллий клиник протоколни ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда ОИВ инфекциясининг гематологик жиҳатларини диагностик ва терапевтик чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОИВ инфекциясида гематологик патологиянинг учраш даражаси ва табиатини аниқлаш;

ОИВ юқтирган болаларда гематологик касалликлар шаклланишининг асосий хавф омилларини аниқлаш;

ОИВ юқтирган болаларда гематологик патологиянинг турли типларида умумий гемограмма ва бошқа қон кўрсаткичларининг ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

гематологик бузилишлари бўлган ОИВ юқтирган болаларнинг клиник, иммунологик ва вирусологик кўрсаткичларни баҳолаш;

гематологик ўзгаришлари бўлган ОИВ юқтирган болаларни турли даволашнинг усуллари самарадорлигининг қиёсий баҳолашни ўтказиш;

гематологик касалликлари бўлган ОИВ юқтирган болаларни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ОИТСга қарши кураш маркази, Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида диспансер кузатувидаги 283 нафар бемор, шу жумладан 0 дан 18 ёшгача бўлган ОИВ юқтирган 223 нафар бола, ОИВ инфекцияси бўлмаган гематологик касалликларга чалинган 60 нафар бола олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг веноз қони ва қон зардоби, суяк кумиги намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник (лаборатория ва инструментал), серологик (иммунофермент ва иммун блоттинг), иммунологик (оқим цитофлюорометрия усули), молекуляр-генетик (полимераза занжир реакцияси усули) ва статистик (Пирсон коэффициенти хи квадрат (χ^2) ва Фишер усули) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор болалик даврида ОИВ инфекциясида гематологик патологиянинг кайд этиш даражаси, тузилмаси ва инфекциянинг клиник-эпидемиологик, иммунологик ва вирусологик қонуниятлари аниқланган;

болалик даврида ОИВ инфекциясида гематологик касалликларини шаклланишининг асосий хавф омиллари асосланган;

ОИВ инфекциясида гематологик бузилишларнинг клиник, иммунологик, вирусологик кўрсаткичларга ва асосий касалликнинг оғирлик даражасига таъсири исботланди;

касалликнинг оғирлиги қўшимча мезони сифатида ва даволаш тактикасини танлашда қон зардобидеги темир, қондаги ферритин даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

гематологик касалликлари мавжуд болаларда антиретровирус терапия тактикасини танлашга бўлган қиёсий ёндашув асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ОИВ инфекциясида гематологик касалликларга чалинган болаларнинг эрта ташҳисоти такомиллаштирилган;

ОИВ-инфекцияси юққан болаларда қиёсий ташҳислаш, даволаш самарадорлиги ва камқонлик оқибатида зардобдаги темир ва ферритин кўрсаткичларидан фойдаланиш қўшимча мезонлар сифатида асосланган;

гематологик касалликлари бўлган болаларда ОИВ инфекцияси учун АРВТ тактикасини танлашга (дори танлаш, бошлаш муддатлари ва бошқалар) ёндашувлар такомиллаштирилган;

ОИВ инфекцияси фонида клиник-лаборатор кўрсаткичлар ва касаллик ривожланиш динамикасини ўрганиш асосида гематологик касалликларни олиб боришга қиёсий ёндашув таклиф этилган;

гематологик ўзгаришлар мавжуд ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларни олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар кузатув схемалари ва даволаш протоколлари индивидуаллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалий соғлиқни сақлаш даражасида ўтказилган тадқиқотнинг ўзи хос услуби ва дизайнининг ўзи ҳам асосланган. Тадқиқотлар назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташҳислаш усулининг қўлланганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи серологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллари таянганлиги, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда ОИВ-инфекциясининг гематологик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижаларига асосланиб:

камқонлик аниқланган ОИВ-инфекция билан касалланган болаларни олиб боришда қиёсий ёндашув мақсадида олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Камқонлик бор бўлган ОИВ юқтирган болаларни олиб боришда дифференциал ёндашув» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8 ноябрдаги 8н-з/407-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қўшимча мезон сифатида қон зардобдаги темир ва ферритинни миқдорини аниқлаб, ОИВ билан касалланган болаларда камқонлик диагностикаси, даволаш самарадорлиги ошириш имконини берган;

ОИВ инфекцияли болаларга тавсия этилган гематологик текширувлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 277-сон «ОИВ инфекциясининг миллий клиник протоколларини амалиётга жорий этиш тўғрисида» ги буйруғига жорий этилган. Мазкур буйруқ ОИВ инфекциясида ташҳислашни такомиллаштиришга ва касалликни оғир оқибатларини камайтириш имконини яратган;

олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази ва Республика ОИТСга қарши курашиш марказининг Республика ихтисослаштирилган клиникаси даволаш жараёнига амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги 08-09/1583-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш, ножўя

оқибатларни камайтириш ҳамда беморларни касалхона шароитида даволаш харажатларини қисқартириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий -амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзусига бағишланган 28 та илмий ишлар чоп этилган. Улардан 15 та илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та республика ва 6 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда ОИВ инфекциядаги гематологик бузилишларни ривожланиши ҳақида замонавий тушунчалар**» деб номланган биринчи бобида иш мавзусига оид илмий адабиётларнинг таҳлили берилган. ОИВ билан касалланган болаларда гематологик бузилишларнинг клиник кўринишларини намоён бўлиши ва коррекциялаш усулларини ўрганишнинг асосий трендлари, юқумли касалликлар соҳасидаги сўнгги ютуқлар муносабати билан очилаётган янги истиқболлари ва вазифалари ёритилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган контингент ва тадқиқот усуллари тавсифланган. Тадқиқотлар Республика ОИТСга қарши кураш маркази, ОИТСга қарши кураш шаҳар маркази ва Республика ихтисослаштирилган гематология илмий -амалий тиббиёт маркази клиникаларида ўтказилди.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 283 нафар беморларнинг маълумотлари, шу жумладан ОИТС билан касалланган 0 дан 18 ёшгача бўлган 223 нафар болалар, ОИВ инфекцияси бўлмаган гематологик касалликларга чалинган 60 нафар болалар олинган.

Ташҳис Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.04.2018 йилдаги 227 -сонли буйруғига мувофиқ клиник ва лаборатория маълумотлари асосида қўйилди.

Ёш тақсимоти қуйидагича бўлди: 0-3 ёшлилар – 22 нафар бола (9,9%), 4-7 ёшлилар – 72 нафар бола (32,3%), 8-13 ёшлилар – 109 нафар бола (48,9%), 14 дан 18 ёшгача – 20 нафар бола (9,4%). Беморларнинг ўртача ёши $9,8 \pm 0,5$ ёшни ташкил этди. Тадқиқотга жалб қилинган болаларнинг 60,1%ини ўғил болалар ва 39,9%ини қизлар ташкил этди. Инфекциянинг юқиш йўллари: перинатал - 24,7%, парентерал - 32,3%, инфекциянинг юқиш йўли номаълум - 43,0% ташкил этди.

Болалик даврдаги ОИВ инфекциясининг гематологик хусусиятларини ўрганиш учун 3 гуруҳга бўлинган 283 нафар беморларни танладик: 1 -гуруҳга гематологик бузилишлар билан биргаликда кечаётган 144 нафар ОИВ инфекцияси билан касалланган болалар, 2-гуруҳга 79 нафар гематологик бузилишларсиз ОИВ инфекцияси билан касалланган болалар, 3 гуруҳга ОИВ инфекцияси бўлмаган гематологик касалликларга чалинган 60 нафар болалар киритилди.

Клиник босқичларга боғлиқ характерли тенденцияларни аниқлаш учун биз 3 гуруҳга бўлинган 214 нафар болаларнинг маълумотларини таҳлил қилдик: II клиник босқич – 31 нафар бемор (1-гуруҳ); III клиник босқич – 153 нафар бемор (2 -гуруҳ); IV клиник босқич – 30 нафар бемор (3-гуруҳ). I клиник босқичи бўлган беморлар кам сонли беморлар туфайли тадқиқотга киритилмаган (1 расм).



1-расм. Тадқиқотдаги болаларни гуруҳларга тақсимланиши.

Тадқиқотнинг умумий дизайни – 2015 йилдан 2020 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган обсервацион кросс-секцион тадқиқот ҳисобланади.

Тадқиқот даврида ОИВ инфекциясининг динамикаси стандарт мезонларга – касаллик босқичидаги ўзгаришлар, оппортунистик касалликларни аниқлаш даражаси, қондаги ОИВ РНК ва CD4 лимфоцитлари даражасининг ўзгаришларга мувофиқ баҳоланди.

«Гематологик касалликлари бўлган болаларда ОИВ инфекциясининг кечишининг клиник, иммунологик ва вирусологик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобда ОИВ инфекцияси бўлган 223 нафар болалардаги гематологик касалликлар таркиби таҳлили келтирилган. Таҳлил шуни кўрсатдики, ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда

64,6% ҳолларда (144 нафар бола) гематологик бузилишлар қайд этилган. Аниқланишича, уларда энг кўп ҳолларда камқонлик қайд этилган, бу 58,8%ини ташкил қилди, камроқ – 39% ҳолларда тромбоцитопения кузатилди. Бироз паст даражада нейтропения ва коагуляцион гемостаз патологияси қайд этилган (21% ва 28,5% мос равишда).


Тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг кўпчилигида (81,9%) камқонликнинг 1-даражаси аниқланган, камқонликнинг 2- ва 3-даражалари 12,6% ва 5,4% беморларда мос равишда кузатилган.

Ёшга боғлиқ равишда камқонликнинг қайд этиш даражасини таҳлил қилганда 78,9% ҳолларда камқонлик 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёш гуруҳида қайд этилганлиги аниқланди. Камқонлик энг кам ҳолатларда 3 ёшгача бўлган болаларда кузатилган (47,7%). Аммо, барча ёш гуруҳларида камқонликнинг оғирлиги батафсилроқ ўрганиш натижасида аниқландики, асосан енгил даражадаги камқонлик кузатилди. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар гуруҳида энг юқори – 93,3%ни, 0 дан 3 ёшгача бўлган гуруҳда энг кичик – 66,6%ни ташкил этди. Бошқа ёш гуруҳларида бу фоиз 70 дан 80%ни ташкил этди. Камқонликнинг ўртача оғир даражаси 8 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар гуруҳида кўпроқ учраган ва 15,5%ни ташкил қилган, шу билан бир вақтда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда 6,6% ҳолларда қайд этилган. Бунда камқонликнинг оғир кечиши фақат иккита ёш гуруҳларида кузатилган: 0-3 ёш ва 8-13 ёш (22,2% ва 8,8% мос равишда). Камқонликнинг оғир кечиши 0 дан 3 ёшгача бўлган болаларда юқори даражада учрашининг сабабларини батафсилроқ ўрганиш натижасида, кўпчилик болаларда 35% ҳолларда, анамнезида инфекция юқишининг перинатал йўли қайд этилганлигини аниқладик. Бироқ, биз 8 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар гуруҳида камқонликнинг оғир кечиши (8,8%) кузатилганлигини аниқладик. Мазкур болалар гуруҳидан олинган натижаларни таҳлил қилганда, биз инфекция аниқланган вақт бўйича камқонликни нотекис тақсимланишини қайд этдик. Биз ОИВ инфекциясининг давомийлиги 1 йилдан 9 йилгача ($5,6 \pm 0,33$) эканлигини аниқладик. Таъкидлаш жоизки, 8 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар гуруҳида инфекция 8-9 йил давом этганлиги (39,06%) устунлик қилди, шу билан бирга 4 ёшдан 7 ёшгача ва 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар гуруҳида касалликнинг давомийлиги 1-2 йилни (23,44%) ташкил қилди. Бу анемиянинг оғир шаклларининг кўпроқ тарқалишининг мумкин бўлган тушунтиришидир.

Тадқиқот гуруҳларида тромбоцитлар кўрсаткичларини таҳлили тромбоцитопения кузатилганлиги кўрсатди. 37,1% ҳолларда тромбоцитопениянинг енгил даражада кечиши, ўртача ва оғир даражада 10,8% ва 2,6% ҳолларда мос равишда кузатилган. Касаллик клиник босқичига боғлиқ равишда тромбоцитопенияни таҳлил қилганда, биз енгил даражадаги тромбоцитопенияни барча клиник босқичларда аниқладик, лекин II клиник босқичда энг катта улуши кузатилиб, 16,1%ни ташкил этди. Шу билан бирга, ўртача оғир даражадаги тромбоцитопения III клиник босқичдаги бемор болаларда кўпроқ кузатилган – 4,6% нисбатан 3% га тенг. Айнан III клиник босқичда тромбоцитопениянинг оғир даражаси 2,6% ҳолларда аниқланган. Эҳтимол, бу III клиник босқичда бўлган бемор болаларнинг сони бошқа


клиник босқичлардан устун бўлганлиги билан тушунтирилади, шунингдек, тромбоцитопения ОИВ инфекциясининг III босқичининг клиник белгиси ҳисобланади.

Таdqикотимизнинг навбатдаги босқичи ОИВ-инфекцияси касалланган болаларда гематологик касалликларнинг шаклланишининг хавф омилларини баҳолаш бўлди. ОИВ-инфекцияси касалланган болаларда гематологик бузилишлари шаклланишининг хавф омилларини таҳлили ўтказилганда, оппортунистик касалликларга боғлиқ равишда камқонлик энтеритларда қайд этиш даражаси (74,8%) устунлик қилди. Шу билан бирга, тромбоцитопения Эпштейн-Барр вируси аниқланган болалар орасида ҳам кўпинча қайд этилган (12,5%).



2-расм. Оппортунистик касалликлар мавжудлигига қараб, ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда гематологик касалликларнинг пайдо бўлиши таҳлили натижалари (% да).

Камқонлик хавф омилларини баҳолаш учун биз эҳтимоллар нисбатини ҳисоблашдан фойдаландик (3 расм).




3-расм. ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда камқонлик ривожланишининг хавф омиллари (% да).

Текширувдаги болалар орасида фақат 33,6% ҳолатларда анамнезида микроэлементлар танқислиги кузатилган, аммо айнан ОИВ билан касалланган болаларда озуқа моддалар (темир, фолий кислотаси, В12 витамини) танқислиги аниқланганда камқонлик ривожланиш эҳтимоли 6,49 баробарга ошади. Натижалар шуни кўрсатдики, хавф омили ва оқибат ўртасидаги муносабатларнинг боғлиқлик кучи – нисбатан кучли.

Анамнезида зидовудин қабул қилинганлиги 48,1% болаларда кузатилган. Бироқ, ушбу гуруҳ болаларида камқонлик ривожланиш эҳтимоли нисбати 1,210 (ишончилилик интервали 95%) ни ташкил қилган, хавф омили ва оқибат ўртасидаги муносабатларнинг боғлиқлиги кучи –кучсиз, муҳим бўлмаган.

Хавф ва оқибат омиллари (парвовирус В 19, ЦМВ, Эпштейн-Барр вируси ва бошқалар) ўртасидаги муносабатларнинг боғлиқлиги кучи шунингдек заиф бўлди.



4-расм. ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда тромбоцитопения ривожланишининг хавф омиллари (% да).

Тромбоцитопениянинг таҳлилида ўзига хос ҳолатлар кузатилди. Анамнезида микроэлементлар танқислиги 31,2% ҳолларда қайд этилган, шу билан бирга инфекция ва онкологиянинг учраш даражаси 12,5% ва 6,2%ни мос равишда ташкил қилган (4 расм). Аммо, эҳтимоллик муносабатларни ҳисоблашда, тромбоцитопениянинг ривожланиш хавфи инфекция ва саратон касаллигида аниқланган болаларда юқори кўрсаткичларда кузатилган (имкониятлар нисбати = 2.821 ва 2.700 мос равишда).

Клиник аломатлар орасида биринчи гуруҳдаги болаларда кўпинча лимфаденопатиялар, қон кетиш, гематомалар ва уйку бузилиши учраган. Бунда тромбофлебит фақат гематологик касалликлари бўлган ОИВ билан касалланган болалар гуруҳида кузатилган.

Бизнинг танловимиздаги болаларда иммунтанқислиги даражасини ўрганишда, иммунтанқислиги оғир даражаси камқонлик билан касалланган болаларда 2,8 баробар кўпроқ ҳолларда қайд этилган ($p < 0,001$),

тромбоцитопения билан касалланган болаларда ўртача даражадаги иммунтанқислиги 1,1 баробар кўп ҳолларда аниқланган.

CD4 лимфоцитлар миқдори билан гемоглобин кўрсаткичлари ўртасида статистик жиҳатдан кучли тўғридан -тўғри боғлиқлик аниқланди ($r=0,8$; $p<0,05$). Лекин, Hb даражаси билан ОИВ РНК даражаси билан сустр боғлиқлик кузатилди ($r=0,094$; $p\geq 0,05$). Иммуносупрессиянинг турли даражаларидаги беморларда гемоглобин миқдорида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланди ($p\leq 0,05$). Таққослаш шуни кўрсатдики, CD4 + хужайралари миқдори 200 дан кам бўлганда гемоглобин кўрсаткичлари жуда пастлиги аниқланди, бу эҳтимол, яққол иммунтанқислик негизида иккаламчи касалликларнинг кўшилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тромбоцитопения билан касалланган болаларда вирус юкламасининг 10 000 нусха / мл дан юқори ва 10 000 нусха / мл дан кам даражаси бўлиши ўртасида фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «ОИВ –инфекцияси билан касалланган болаларда периферик қоннинг кўрсаткичларини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида ОИВ инфекциясини гемопоезнинг турли хил касалликлари билан боғлиқлигини таҳлили натижалари баён этилган.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда қон плазмасидаги гемоглобин концентрацияси, унинг битта эритроцитдаги ўртача миқдори ва концентрацияси инфекциянинг ривожланиши билан камаяди. Бунга иситмага, ич кетишига ва вастинг-синдромига сабаб бўлади.

Лейкоцитлар бўғини таҳлил қилинганда шу аниқландики, ОИВ инфекцияси аниқланган болалар гуруҳида лейкоцитларнинг миқдори ОИВ инфекцияси белгилари бўлмаган болаларга нисбатан паст бўлган. Бу лейкоцитлар иммунтанқислиги вирусининг нишон хужайралари эканлиги билан боғлиқ. Лейкоцитлар ҳалқасини ОИВ инфекциясининг клиник босқичлари кесимида таҳлил қилинганда, 3-клиник босқичда лейкоцитлар ва нейтрофилларнинг камайиши кузатилди, бунда лейкопения 4-клиник босқичда яққолроқ намоён бўлди.

Бундан ташқари, биз ОИВ инфекциясининг клиник босқичлари кесимида ҳар бир кўрсаткични алоҳида таҳлил қилдик. Тадқиқот объекти ОИВ инфекциясининг клиник босқичига қараб 3 гуруҳга бўлинган 214 нафар ОИВ билан касалланган болалар бўлди.


1-жадвалда ОИВ инфекциясининг турли клиник босқичларида бўлган беморларда қонда айланиб юрувчи эритроцитлар ҳолатини ифодаловчи маълумотларни ўз ичига олган.

ОИВ инфекциясининг клиник босқичига боғлиқ равишда қонда айланиб юривчи эритроцитлар тизимининг кўрсаткичларини даражалари

Кўрсаткичнинг номи	Назорат гуруҳи	Клиник босқич		
		II (n=31)	III (n=153)	IV (n=30)
Кўрсаткичнинг қиймати (M±m)				
Гемоглобин (г/л)	140,00±6,76	122,64±4,44 ¹	111,11±2,67 ¹²	104,86±2,80 ¹²
RBC (x10 ¹² /л)	4,70±0,22	3,67±0,10 ¹	3,71±0,08 ¹	3,81±0,05 ¹
MCV (фл)	90,00±11,32	106,49±18,19 ¹	96,90±1,69 ²	85,01±4,91 ¹²
MCH (пг)	28,35±0,64	33,29±1,48 ¹	29,95±0,47 ²	27,39±0,53 ¹²
MCHC (%)	34,0±2,62	31,84±4,43 ¹	31,87±2,82 ¹	30,60±5,22 ¹
RDW-CV (%)	11,68±1,33	11,94±0,36	12,47±1,15 ¹²	13,68±1,87 ¹²
Гематокрит (%)	42,00±0,11	39,03±1,08	36,85±5,55	35,10±1,05

Изоҳ: бу ерда, M - кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати; m - ўртача арифметик хато; n - танловдаги кузатувлар сони; RBC - эритроцитлар; MCV - битта эритроцитнинг ўртача ҳажми; MCH - битта эритроцитда гемоглобиннинг ўртача миқдори; MCHC - битта эритроцитда гемоглобиннинг ўртача концентрацияси; RDW - CV - эритроцитлар ҳажми бўйича тарқалиш кенглиги (анизоцитоз); ¹ - кўрсаткичнинг ўртача физиологик оптимал қиймат кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан муҳим фарқлари; ² - ОИВ инфекциясининг II клиник босқичи бўлган беморлардаги ўлчов натижалари билан касалликнинг III ва IV клиник босқичларида олинган маълумотлар ўртасида фарқлари.

Олинган натижаларга асосан, маълумотлар шуни кўрсатадики, болаларнинг кўпчилигида темир танқислиги камқонлиги хос бўлди.



5-расм. ОИВ инфекциясининг клиник босқичлари кесимида камқонлик шакллариининг тақсимланиши

Сурункали касаллик камқонлиги 4,8% ҳолатларида болалардаг қайд этилган (иккинчи гуруҳ беморлари орасида камқонлик енгил даражаси бўлган).

2-клиник босқичдаги болалар гуруҳида 93% ҳолатларда (28 нафар бола) қон зардобидида темир ва қондаги ферритин билан бирга гемоглобин миқдорининг пасайишини кузатилди. 3-клиник босқичдаги болалар гуруҳида 73,2% ҳолларда (112 нафар бола) қон зардобидида темир ва қондаги ферритин билан бирга гемоглобин даражасининг пасайишини кузатилди. ОИВ инфекциясининг 4-клиник босқичидаги болалар орасида (n=31 шахс), 21 нафар болада (67,7%) ферритин меърий қиймати ҳолатида гемоглобин ва темир миқдорларининг пасайиши, ҳамда 10 нафар болада (32,2%) эса ферритин пасайган қиймати ҳолатида гемоглобин ва темир миқдорларининг пасайиши кузатилди. Шундай қилиб, сурункали касалликлардаги камқонликнинг улуши ОИВ инфекциясининг ривожланиши билан ортади, бу турли ёндош ва оппортунистик касалликларнинг қўшилиши билан тушунтирилади. Сурункали касалликлардаги камқонликка хос бўлган белги бўлиб, одатда, гемоглобин пасайган миқдорида, ферритин даражаси меъёр чегараларида қолади ёки бироз кўтарилади (бизнинг тадқиқотимиз кўрсатганидек). Бу организмдаги темир танқислигини эмас, балки унинг нотўғри қайта тақсимланишини кўрсатади. Бундай ҳолатларда темирнинг стереотип қўлланилиши беморнинг аҳволини нафақат яхшиланиши, балки ёмонлаштириши мумкин. Шу муносабат билан, камқонликни ОИВ инфекциясининг ривожланган босқичларида даволаш тактикасини тўғри танлаш учун нафақат гемоглобин кўрсаткичини (одатдаги амалиётдаги каби), балки ферритин кўрсаткичини ҳам ҳисобга олиш зарур (5 расм).

«ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда гемостазиологик кўрсаткичлар ва суяк кўмиги кўрсаткичларининг тавсифи» деб номланган бешинчи бобидида коагуляцион гемостаз ҳолатини ва ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда тромбоцитлар айрим кўрсаткичларини ўрганиш таҳлили натижалари келтирилган.

Бизнинг тадқиқотимиз кўрсатишича, иккала гуруҳда ҳам тромбоцитар гемостаз кўрсаткичларининг пасайиши ва тромбопластин ҳосил бўлишининг 1-фазасининг пасайиши кузатилган. Бунда тромбопластин ҳосил бўлишининг 2-фазаси меъёр чегарасида қолган.


